

О.Х.Хамидов,
и.ф.н., доц. ТДИУ

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ БОШҚАРИШ ИНСТРУМЕНТЛАРИ ВА УЛАРНИ АМАЛИЁТДА ҚЎЛЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Охарактеризованы особенности применяемого в управлении развития экотуризма в Узбекистане эколого-экономические инструменты. Показаны направления их применения в практике.

Given description to management of development of ecotourism in Uzbekistan paying attention to ecological – economical features. Shown direction of their implementation into practice.

Калитли сўзлар: муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, экотуризм, экотуристтик макон, бошқариш органлари, маъмурий-назорат инструментлари, экологик-иқтисодий инструментлар, такомиллаштириш.

Туризм жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари иқтисодиёти таркибида тез ривожланаётган ва салмоқли ўринни эгаллайдиган тармоқ бўлиб, унда экологик туризм инновацион йўналиш сифатида жадал ривожланаётган йўналишга айланди. Экологик туризм табиат билан кишиларнинг узвий боғлиқлиги ва бевосита мулоқотини ривожлантиришга ва табиатда ҳузур-ҳаловат, мадад қувват, билим, ташкил этувчиларга эса катта даромад олишга, умуман экологик иқтисодий барқарорлик ва мувозанатни сақлаган ҳолда фаол дам олишга асосланади, анъанавий кўнгил очиш, маиший комфорт (кулайлик) эса иккинчи ўринга тушади. Унда юқори даражада хизмат кўрсатадиган меҳмонхоналар ўрнини оддий чодир, уй-меҳмонхона ва кемпинглар, табиат кўйнида дам олиш, саёхат қилиш эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов “Today” газетаси мухбирига берган интервьюсида мамлакатимизнинг экотуристтик салоҳияти ва имкониятларига юксак баҳо бериб шундай деган эдилар: “Гўзал географик ва табиий шароитлар республика ҳудудида экологик туризмни ривожлантириш учун ғоят қулайдир” (//Халқ сўзи, 2007 йил 26 январ).

Ўзбекистоннинг бой ва ғоят хилма-хил экотуристтик салоҳияти ва имкониятларидан самарали фойдаланиш кўп жихатдан экотуризмни ривожлантиришни оқилона бошқариш билан узвий боғлиқдир. Бошқариш экотуристтик фирмалар фаолиятини ташкил этиш учун қулай муҳит яратади, экотуристтик хизматлар самарадорлигини оширишга, табиатга салбий таъсирни камайтиришга хизмат қилади. Лекин ҳозирги вақтда мамлакатимиз амалиётида мазкур масалаларни тадқиқ этиш бошланғич босқичда турибди. Шу муносабат билан тақдим этилаётган мақолада Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришни бошқариш инструментларидан фойдаланиш хусусиятлари ва уларни

такмиллаштиришнинг долзарб муаммолари ечимини топишга асосий эътибор қаратилган.

Экотуризмни ривожлантиришнинг зарур шарт-шароити экотуристтик салоҳиятнинг мавжудлиги бўлиб, улар ноёблиги, экологик жозибадорлиги, даволаш-соғломлаштириш хусусиятлари, экологик туризмни ривожлантириш учун қулайлиги билан ажралиб турадиган табиий-экологик компонентлар, ландшафтлар, хўжалик фаолияти объектларидан таркиб топади. Экотуристтик салоҳиятдан тегишли моддий-техника базаси – инфратузилма, асосий фондлар ёрдамида фойдаланилади. У тегишли ҳудудларни экотуристтик мақсадларда ўзлаштириш жараёнида барпо этилади. Экотуризм тизими ўзаро боғлиқ бўлган кичик тизимлар-табиат ва маданий комплекслар, муҳандислик иншоотлари, хизмат кўрсатувчи персонал, дам олувчилар ва бошқариш органларидан ташкил топади.

Рекреация, шу жумладан экотуризмнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, унда кўрсатиладиган хизматлар рекреация ресурслари мавжуд бўлган ҳудудларда амалга оширилади, яъни ресурслар ўша ерга бориб истеъмол қилинади. Бошқача айтганда, экотуристтик хизмат кўрсатиш ўзига хос «кўчмас мулк» ҳисобланган рекреация ҳудудларида амалга оширилади, дам олувчиларнинг талаб ва эҳтиёжлари ўша ерда қондирилади. Бу ҳолат экотуризмни ривожлантиришни бошқаришнинг ғоят муҳим омили бўлиб, рекреантларнинг ижтимоий-демографик, иқтисодий, ёш, миллий ва бошқа хусусиятларни ҳамда талаб-эҳтиёжларини хар томонлама тўла ҳисобга олишни талаб қилади.

Ўзбекистоннинг ҳудуди 448,97 минг км², аҳолиси сони эса 31 млн. киши (2014йил) бўлиб, биринчиси хилма-хил ва бой ресурсларга, иккинчиси эса катта рекреация эҳтиёжларига эгаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Глобал нуқтаи назардан Ўзбекистоннинг ўзига хос географик ўрни дунё текисликларида экологик оптимум ҳисобланган 40-паралел (40⁰ шимолий кенглик) яқинида жойлашганлиги (мазкур паралел Самарқанд шаҳридан ўтади), тоғларда эса паст тоғ, ўрта тоғ, баланд тоғ зоналарининг алмашилиши билан белгиланади. Шунга мос ҳолда мамлакатимизда йил фасллари нормал алмашинади, барча фаслларда уларга хос бўлган умумий қулай шароит мавжуд бўлиб, улар кўплаб экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экотуристтик хизмат кўрсатишни йил давомида узлуксиз ва жадал ривожлантиришга имкон беради. Шу билан бир қаторда мамлакатимиз ҳудудида экологик экстремал, яшаш учун ноқулай қурғоқчил, лекин экотуризм учун қизиқарли бўлган чўллар (сахролар) катта майдонларни (мамлакат ҳудудининг 70 %) эгаллайди.

Экотуризмни ривожлантиришни бошқариш амалиётида Ўзбекистонга хос бўлган ўзига хос экотуристтик салоҳиятга эга бўлган ва бир-бирларидан тубдан фарқ қиладиган қуйидаги 4 та микрizona хусусиятларини хар томонлама тўла ҳисобга олиш жуда муҳим аҳамиятга эга: 1) Орол ва Орол бўйи экстремал чўл ва экологик инқироз ва ҳалокат зонаси. Бу ерда Орол денгизининг қуриши оқибатида катта майдонларни эгаллаган антропоген Оролқум пайдо бўлди; 2) чўл (сахро).

Дунёнинг энг катта чўллари ҳисобланган Қизилқум, Қорақум, Устюрт ўзига хос курғокчил табиати, ландшафт ва биохилма-хиллиги, маҳсулдорлиги, ер ости сувлари, кудуқлари, саксовул ўрмонлари, яйловлари, хилма-хил фойдали қазилмалари мавжудлиги билан ажралиб турадиган дунё чўлларининг «жаннати» ва хазиналар сандиғи ҳисобланади. Бир қарашда жонсиз кўринадиган чўллар аслида кўплаб тирик организмлар яшашнинг экстримал шароитига яхши мослашган кўплаб ўсимлик ва ҳайвонлар маконидир. Айниқса баҳорда улар ўсимликларнинг турли-туманлиги ва гулларга бурканган яшил гиламларга айланади. Қизил, сариқ, оқ лолалар, гунафшаранг ва мовий гулсапсарлар, ёввойи гладиолуслар ва пиёзлар, қизғалдоқлар азалдан маданийлаштирилган, улар кўплаб боғ ва хиёбонларни безаб туради. Уларнинг асл ватани эса бизнинг чўлларимиз ҳисобланади (Травина И.В, 2003, с. 240). Шунингдек, чўлларимиз қорақўл куйларининг ҳам ватанидир; 3) Суғориладиган текислик зонаси - қадимги цивилизация ўчоғи, аҳоли зич яшайдиган, мамлакат иқтисодиётининг асосини ташкил этадиган, юқори экологик сиғимга эга бўлган антропоген ландшафт ҳукмрон бўлган гуллаб яшнаётган кўплаб водий ва вохалар макони ҳисобланади; 4) Тоғ зонаси. Ғарбий Тяньшань ва Хисор-Олой тоғ тизимлари таркибига кирадиган денгиз сатҳидан 4643 м. гача кўтарилган турли йуналиш ва миқёсларга эга бўлган мураккаб тоғ тизмаларидан ташкил топган. Тоғлар сув тўпланадиган катта сув ҳавзаси, мамлакат табиатининг биоландшафт ва ресурс хилма-хиллиги маконидир. Тоғлар экотуризмнинг ғоят муҳим ва қизиқарли объектидир. Умуман мамлакат ҳудудининг 76,6 % чўл текислик, 23,4 % тоғ зонасида жойлашган (Камилов Б.С., Хакбердиев О.Э. 2013, 5-бет).

Ўз навбатида мазкур макрозоналар биргаликда ва ўзаро боғлиқликда Ўзбекистоннинг ягона экотуристтик макони бўлиб, уларнинг ҳар биттаси кўплаб ўзига хос «экстремал чўл ва экологик офат», «чўл», «водий», «тоғ» экотуристтик объектларга эга. Улар турли йўналишдаги экотуризм ўчоқлари ва марказларини барпо этишга табиий асос бўлиши мумкин. Мамлакат табиатининг экотуризмни ривожлантиришга асос бўладиган ноёб, диққатга сазовор объектлари қаторига кўплаб мавжуд бўлган ғорлар, ажойиб шаклли қоялар, даралар, ер қатламлари очилиб қолган жойлар, шаршаралар, шифобахш булоқлар, катта ёшдаги улкан дарахтлар, шунингдек, гузал, ранг-баранг, ҳаво ва суви мусаффо, табиати шифобахш ландшафтлар киради.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси республика ҳудудида 400 дан ортиқ табиат ёдгорликларини ҳисобга олган. Мамлакатимиз ҳудудида 17 мингдан ортиқ табиий сув оқимлари, 51 та сув омбори, 500 дан кўпроқ кўл, кўплаб каналлар, 1448 та чучук сувли сув сарфи 1л/секунд бўлган булоқ, 525 та тоғ музликлари бор. Ўзбекистонда ўсимлик дунёсининг 4100 тури, ҳайвонот оламида 97 турдаги сут эмизувчи, 424 турдаги қуш, 58 турдаги рептиция ва 83 турдаги балиқлар мавжуд. Мамлакат ўрмон фонди майдони 9.6 млн гектарни ташкил этади. (...Миллий маъруза, 2008, 40-126 бет).

Мавжуд салоҳиятдан hozirgi вақтда экотуризмда фойдаланиш даражаси талабга жавоб бермайди. Бунинг асосий сабаби объектлардан экотуризм йўналишида фойдаланишга қаратилган инвентаризация ҳамда тегишли классификация ва баҳолашнинг амалга оширилмаганлиги билан боғлиқдир. Шу сабабдан истиқболда объектларни инвентаризациялаш ва классификациялашни ҳамда тиббий-биологик, психологик-эстетик, техник-технологик, иқтисодий-экологик баҳолашни амалга ошириш объектив заруратга айланмоқда.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг (МЭТХ) экотуристик салоҳияти ва улардан фойдаланишни бошқариш. Ўзбекистон Республикасининг «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғриси»да (2004) ва унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги (2014) қонунлари, МЭТХларда экотуризмни ривожлантиришга қўйиладиган талабларни белгилаб беради. Шу қонунга биноан МЭТХ ларнинг турли категорияларида уларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва фойдаланиш соҳасида давлат бошқарувини ҳукумат, жойларда давлат ҳокимияти органлари ҳамда махсус тайинланган давлат органлари амалга оширадilar.

МЭТХлар классификациясида халқаро тажрибалар ҳисобга олинган бўлиб, улар иқтисодий ва экологик манфаатлар бирлигини таъминлашга йўналтирилган кўриқланадиган ҳудудларнинг ҳажмлари ягона экологик тизимини яратишга имкон беради. МЭТХларнинг айрим категорияларини қисман ўзини-ўзи молиявий маблағ билан таъминлаш экологик туризм, рекреацияни ташкил этиш, табиат ресурсларидан фойдаланишга рухсатнома беришдан тушган фойда ҳисобига оширилади. 1 ва 2- жадвалларда МЭТХлар категория ва турлари, улардан экотуризмда фойдаланиш, бошқарув органлари берилган.

1-жадвал

Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари (МЭТХ) таркиби, бошқариш органлари ва улардан экотуризмда фойдаланиш имкониятлари (2012).

№	МЭТХ категориялари	Сони	Майдони км ²	МЭТХ Тизимидаги улуши, %	Экотуризмда фойдаланиш -,+, ++	Бошқарув органлари
1	2	3	4	5	6	7
1.	Давлат кўриқхоналари	8	2024.5	8,7	+	1) Тошкент вилояти ҳокимияти 2) ТМҚДҚ 3) Геология давлат кўмитаси
2.	Давлат миллий боғлари	2	5987	25,7	++	1) Тошкент вилояти ҳокимияти 2) ҚСХВ ўрмон хўжалиги бош бошқармаси
3.	Табиий питомниклар	3	73,2	0,3	+	ТМҚДҚ

1-жадвалнинг давоми

1	2	3	4	5	6	7
4.	Давлат буюртмаҳоналари	10	15092,5	64,8	+	ТМҚДҚ
5.	Табиат ёдгорликлари	5	37,5	0,2	++	Бухоро, Наманган, Фарғона, Хоразм вилоятлари ҳокимиятлари
6.	Давлат биосфера резерватлари		64,6	0,3	++	ТМҚДҚ
	6 та категория бўйича жами	28	23279,4	100	-	

1) **Изоҳ:** Қуйи Амударё давлат биосфера резервати 2012йилда собиқ Бадай-Тўқай давлат кўриқхонаси базасида ташкил этилган.

Манба: Национальный доклад о состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов Республики Узбекистан (1988-2007).

Ташкент 2008, с. 128-129.

Шартли белгилар: Экотуризмда фойдаланиш бўйича:

- руҳсат этилмайди; + қулай; ++ жуда қулай;

Қисқартмалар: ТМҚДҚ – Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси; ҚСХВ-Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги.

1-жадвал маълумотларига кўра, мамлакатимизда МЭТХларнинг 6 категорияси мавжуд бўлиб, уларнинг умумий сони 28 тани ташкил этади. МЭТХларнинг умумий майдони 23279,4 км² бўлиб улар мамлакатимиз ҳудудининг 5 %дан кўпроғини эгаллайди. МЭТХлар майдонининг асосий қисмини (99,2 %), яъни 64,8 % давлат буюртмаҳоналари, 25,7 %ни миллий боғлар, 8,7 %ни давлат кўриқхоналари эгаллайди. Улардан экотуризмда фойдаланиш бўйича миллий боғлар, биосфера резерватлар етакчилик қилади. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозир мамлакатимизда атиги 2 та миллий боғ (Зомин миллий боғи (241,1км²), 1976 йил ташкил этилган, Жиззах вилоятида. Угом-Чатқол (5745,9км²), 1990 йил ташкил этилган, Тошкент вилоятида) ҳамда битта биосфера резервати (Қуйи Амударё (64,6км², 2012 йил ташкил этилган, Қорақалпоғистон Республикасида) мавжуд. Халқаро амалиётда кўп мамлакатларда айнан шу категориялар МЭТХ ларда сони ва майдони бўйича етакчи ўринни эгаллайди ва улардан экотуризмни ривожлантиришда кенг фойдаланилади. Шуларни ҳисобга олиб мамлакатимизда истиқболда барча минтақаларда янги миллий боғ ва биосфера резерватларини ташкил этиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

МЭТХларни вилоят ҳокимиятлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг бош бошқармаси, Геология давлат кўмитаси бошқаради. Мазкур бошқарув органлари бошқарувни кўпинча бир-бирлари билан мувофиқлаштирмасдан мустақил амалга оширадilar. Бундай вазият МЭТХлардан экотуризм йўналишида фойдаланишга ҳам катта тўсик ҳисобланади. Ваҳоланки, биохилма-хилликни сақлаш Миллий стратегиясига

(1998) кўра бошқарув органи битта бўлиши тавсия этилган. «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида» (2004) Ўзбекистон Республикаси қонунида МЭТХ ларни бошқаришни ҳукумат белгилаши кўрсатилган. Биз мавжуд бошқарув таркибини ўзгартириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

2-жадвал.

Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларининг (МЭТХ) айрим категориялари таркиби, бошқариш органлари ва улардан экотуризмда фойдаланиш имкониятлари (2012йил).

	МЭТХ ларнинг айрим категориялари	Экотуризмда фойдаланиш имкониятлари -,+,++	Бошқарув органлари
1	2	3	4
1.	Айрим табиий объектлар ва комплексларни сақлаш, кўпайтириш ва тиклаш учун ҳудудлар: -буюртмахоналар - табиий питомниклар -балиқ хўжалиги зоналари	+ ++ +	ТМҚДҚ ТМҚДҚ 1)Жамоатчилик уюшмалари 2)ҚСХВ ўрмон хўжалиги бош бошқармаси
2.	Муҳофаза этиладиган ландшафтлар: -курорт табиий ҳудудлари; -рекреация зоналари	++ ++	1)Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси 2)Соғлиқни сақлаш вазирлиги 1.Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси 2.Соғлиқни сақлаш вазирлиги 3. «Ўзбектуризм» миллий компанияси
	Сув муҳофазаси зоналари(155.4 мингга) Шу жумладан: сохилбўйи йўлаклар (27,9 минг га) сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари ер усти ва ер ости сувлари шаклланиши зоналари	++ - -	ҚСХВ Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҚСХВ
3.	Айрим табиий ресурсларни бошқариш учун ҳудудлар. -ўрмон фонди ерлари (9,6 млн. га) -ов хўжалиги ер участкалари (3,8 млн. га)	+ ++	ҚСХВ ўрмон хўжалиги бошқармаси 1)ҚСХВ 2)Жамоатчилик уюшмалари
4.	Давлат биосфера резерватлари	++	ТМҚДҚ

Манба: Ўзбекистон Республикасининг «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»қонуни (2004) – 18,21,23,26,29,30,33,35,36,38,40,42,44-моддалари ва муаллифнинг экотуризм бўйича қўшимчалари асосида тузилган.

Шартли белгилар: Экотуризмда фойдаланиш бўйича: - рухсат этилмайди; + қулай; + + жуда қулай.

Қискартмалар: ТМҚДҚ – Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;
ҚСХВ - Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

2-жадвалда МЭТХ ларнинг 4 та айрим категорияларнинг таркиби, улардан экотуризмда фойдаланиш, уларнинг бошқарув органлари кўрсатилган. Улардан экотуризмда фойдаланишда муҳофаза этиладиган ландшафтлар (курорт табиий ҳудудлари, рекреация зоналари), табиий питомниклар, ов хўжалиги участкалари, давлат биосфера резерватлари асосий ўринни эгаллайди. Лекин уларни бошқариш органларининг кўплиги, уларнинг ўзлари ўртасида ҳамда экотуристик ташкилотлар ўртасида ўзаро мувофиқлаштиришнинг йўқлиги бу борада самарали фаолият юритишга тўсқинлик қилаётир.

Сўнгги йилларда экотуризмни ривожлантиришни бошқариш йўналишида Жиззах вилоятида кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилиб, қатор ижобий натижаларга эришилди. «Ўзбектуризм» Миллий Компаниясининг Жиззах вилояти минтақавий бўлими маълумотларига кўра, бу ерда 267 та экологик туризм манзиллари аниқланган, уларнинг айримларида балиқ овлаш, орнитологик кузатиш, овчилик йўлга қўйилган, экологик туризм сўқмоқларини яратиш бўйича тадбирлар амалга ошириляётир. Вилоятнинг тоғли ҳудудларида экотуризмни ривожлантириш орқали кўплаб иш ўринлари яратилиб, аҳоли янги даромад манбаига эга бўлмокда. Сайёҳлар эса қишлоқлар аҳолисининг кундалик турмуш тарзи, урф-одатлари ва маросимлари билан яқиндан танишмоқдалар. Зомин тумани қишлоқларида барча шарт-шароитга эга 8 та уй-меҳмонхона ташкил этилди. Шунингдек, Фориш туманида ҳам шундай тадбирлар амалга оширилмокда. Ҳозирги кунда жойларда сервис хизмати сифатини ошириш, маҳаллий аҳоли орасидан гид-таржимонлар тайёрлаш мақсадида БМТ Тараққиёт дастури кўмагида уй-меҳмонхоналар бекалари ва чет тиллари ўқитувчилари учун турли семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ва малака ошириш курслари ташкил этилмокда.

МЭТХларнинг экотуристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш муаммоларини ҳал этиш ва бу борадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ: 1) экотуризмни ривожлантиришнинг асосий объектлари хисобланган миллий боғлар ва биосфера резерватлари тизимини кенгайтириш ва уларни барча вилоятларда ва Қорақалпоғистон Республикасида ташкил этиш; 2) МЭТХ лар тизими ва «Ўзбектуризм» МК ўртасида экотуризм тадбирларини амалга ошириш ишларини тегишли ихтисослашган экотуризм марказлари ва бўлимларини ташкил этиш асосида ўзаро мувофиқлаштириш; 3) республикада ягона экотуристик маконини тўла қамраб оладиган экотуризмни ривожлантириш бўйича мақсадли

давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва бу борада кўплаб истикболли лойиҳаларни амалга ошириш.

Экотуризмни ривожлантиришни бошқариш инструментлари ва уларни амалиётда қўллашни такомиллаштириш. Мазкур инструментлар экотуристик фирмалар фаолиятини юритишнинг ташқи муҳитини шакллантиради, уларнинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш органлари билан муносабатлари хусусиятларини кўп жиҳатдан белгилаб беради, мавжуд ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланишга имконият яратади, шу асосларда экотуристик фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда қўлланилаётган экологик бошқарув инструментлари маъмурий-назорат ва иқтисодий ричагларнинг етарли даражада мувозанатлашган мажмуи бўлиб, улар экотуризмни бошқаришга ҳам тўла тегишлидир. Ушбу инструментлар “ифлослантирувчи тўлайди”, “фойдаланувчи тўлайди”, барқарор ривожланиш, эҳтиёткорлик, мавжуд технологиялардан энг яхшисини қўллаш каби халқаро амалиётда кенг қўлланилаётган принципларга асосланади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришни бошқариш амалиётида мазкур инструментлар экотуризмни тартибга солиш ва рағбатлантиришда етарли даражада қўлланилмаётир. Унинг асосий сабаблари мазкур инструментларни экотуризмда кенг қўллаш масалаларининг ишлаб чиқилмаганлиги ҳисобланади. Шу сабабдан биз қуйида бу масала бўйича асосий йўналишларни тавсия этамиз ва уларни асослаб беришга ҳаракат қиламиз.

Тавсия этилаётган инструментлар қуйидаги икки асосий турга бўлинади:

1) маъмурий-назорат; 2) иқтисодий.

Маъмурий-назорат инструментлари экотуристик фаолият натижаларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатишга мўлжалланган бўлиб, улар тегишли стандарт ва регламентларга риоя этишни қонунлар ва бошқа тартибга солиш воситалари орқали назорат қилишга асосланади. Уларга қуйидаги инструментлар киради:

1) экологик ва табиий-ресурс қонунлари; 2) экологик мониторинг; 3) экологик стандарт ва нормативлар (шу жумладан МЭТХларга кириш, улардан фойдаланиш нормативлари); 4) экотуристик фаолиятни лицензиялаш; 5) экологик сертификатлаштириш (маркировка); 6) лойиҳаларнинг экологик экспертизаси; 7) экотуризм мақсадли дастурлари; 8) экологик аудит.

Мазкур инструментлар қаттиқ ричаглар (1,3,4,5 номерлар) ва юмшоқ тартибга солишга (2,6,7,8 номерлар) бўлинади.

Иқтисодий инструментлар тегишли мақсадлар ва уларни амалга оширишга риоя этишга тўғридан-тўғри топшириқ бермайди, балки хўжалик юритиш субъектларининг (экотуристик фирмалар) иқтисодий манфаатлари ва иқтисодий хулқ-атворида бозорлар ишлаши (талаб ва таклиф) билан боғлиқ рағбатлантириш (масалан, солиқ имтиёзлари, субсидия бериш ва бошқалар) ёки турли чекловлар (жарима солиш ва бошқалар) қўйиш орқали экологик мақбул йўналишларда фойдаланишга асосланади. Мазкур инструментлар қуйидаги икки турга бўлинади:

1) бозорга йўналтирилган (тўловлар, бозор баҳолари тўғридан-тўғри бозор музокаралари ва б.); 2) молия кредит (молиялаштириш, кредит, заём, субсидия, тезлаштирилган амортизация, солиқлар, суғурта).

Барча бошқарув инструментларидан амалиётда фойдаланишда уларга хос бўлган кучли ва кучсиз томонларни ҳисобга олиш ва тегишли танловга асосланиш талаб қилинади. Масалан, маъмурий-назорат инструментларининг кучли томонлари қуйидагилар билан белгиланади: фирмаларга белгиланиб, уларга етказилган топшириқлар мақсадга эришишнинг жуда оддий ва тўғридан-тўғри таъсирдан воситаси, экологик бошқарув органлари назорати учун эса қулайдир. Уларнинг камчиликлари: инновацияларни рағбатлантириш ва юқори натижаларга эришиш нуқтаи назаридан таъсирчанликнинг етарли эмаслиги; фирмаларга турли вазиятларда тез мослашиш, ўз мажбуриятларига ижодий ёндашувини қийинлаштириши.

Иқтисодий инструментларнинг асосий афзалликлари: экологик иқтисодий харажатларни тежаш нуқтаи назаридан юқори самарадорлик; илмий техник инновацияларга барқарор рағбатлантиришни ишлаб чиқиш; умуман экологик бошқарувнинг мослашиш механизмини кучайтиради, экотуристтик фирма фаолияти стратегиясини мустақил белгилашга шароит яратади; фаолиятни зарур молиялаштириш манбалари билан таъминлайди. Унинг камчиликлари: фаолиятнинг якуний натижаларининг ноаниқлиги; инфляция жараёнларига юқори сезувчанлик, бу ҳолат тўловлар даражасини доимий тузатиб туришни талаб қилади; нисбатан юқори экологик харажатлар туфайли хизматлар рақобатдошлигининг пасайиш хавф-хатари.

Экотуристтик фаолиятга бошқаришнинг маъмурий назорат ва иқтисодий инструментларини мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда кенг қўллаш мамлакатимиз экотуризмада бошқариш қарорларини қабул қилишнинг янги йўналишини шакллантиришга ва бошқаришни такомиллаштиришга имкон беради. Бундай бошқарув қарорлари экологик, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларни мамлакат ва минтақалар даражасида мувофиқлаштиришга, тегишли мақсад ва манфаатларни бирлаштиришга ҳамда шу асосларда Ўзбекистоннинг ўзига хос **ягона экотуристтик маконини** барпо этишга ёрдам беради.

Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришни бошқариш инструментларини кенг қўллаш мазкур фаолиятни экологик хавфсиз, ресурслардан оқилона фойдаланиш асосида ташкил этишга ҳамда янги экотуристтик бозорларни ўзлаштириш ва рақобатдошлигини оширишга, шунингдек табиатнинг биохилма-хиллиги ва табиий ресурс бойликларини қўллаб-қувватлашга, энг муҳими, Ўзбекистон миқёсида хилма-хил салоҳиятга ва катта истикболга эга бўлган ягона экотуристтик маконни барпо этишга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Today газетаси мухбирига берган интервьюси. //Халқ сўзи, 2007 йил 26 январь.
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” (2004). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2005 йил №1.
3. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. //Халқ сўзи, 2014 йил 5 сентябрь.
4. Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида Миллий маъруза. (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектив таҳлил). Тошкент 2008.
5. Национальный доклад о состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов в Республики Узбекистан.(2008-2011 гг). Ташкент, издательство “Chinor ENK”, 2013
6. Камилов Б.С., Хақбердиев О.Э. Ер ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Ахборотномаси. 2013, №2
7. Травина И.В. Тайны пустынь. - Москва: “РОМЕН-ПРЕСС” 2003.